

АСРНИНГ СУНАТИ ҲАҚИДА

20:23 / 27.04.2016 3203

САВОЛ: Намоз китобларида аср намози тўрт ракат фарздан иборат, деб ёзилган. Лекин ҳанафий мазҳабида тўрт ракат суннат ҳам ўқилар экан, фақат Ўзбекистонда ўқилмас экан дейишди. Шу хусусда маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Инсоф билан, тўғри эътироф қилиб айтишимиз керакки, ҳозирги кунда бизда тарқалган намоз китоблари жуда мухтасар, намоз учун энг зарур бўлган нарсаларнигина тилга олган китоблар ҳисобланади. Шунинг учун бу китоблардаги маълумотни намоз тўғрисидаги тўла маълумот деб қабул қилмаслик керак, балки зарурий-биринчи навбатда керак бўлган маълумотлар деб қабул қилиш керак. Иккинчидан, бу саволнинг келиб чиқишига бизда Исломнинг тартибли низомий таълим-тарбияси йўқлигидан ҳосил бўлган вазият сабаб бўлган. Исломни билган кишилар учун бу саволлар бироз кулгили бўлиши мумкин ёки кичкина болаларнинг саволига ўхшаши мумкин. Лекин, бизнинг шароитимиз мана шу нарсани тақозо қилиб қолган. Чунки ҳар ким имкони етганича, ўзи топганича, қўлига тушиб қолган қандайдир китобданми, рўпарасидан чиқиб қолган қандайдир намозхонданми намоз ўрганишга, уни ўзининг ҳаётига тадбиқ қилишга ўтиб қолган. Шунинг учун бунга ўхшаган саволлар кўп бўлади.

Энди саволнинг асосий моҳиятига қайтадиган бўлсак, «Аср намозини тўрт ракат фарздан бошқа тўрт ракат суннати ҳам бор экан. Бу тўғрида маълумот Ҳанафий мазҳабида бор экан, фақат Ўзбекистонда ўқилмайди экан» деган савол. Дар-ҳақиқат, барча китобларимизда аср намози тўрт ракат фарздан иборат дейилади, суннат тўғрисида сўзлар деярли йўқ, баъзи бир жойлардагина бор. Асрнинг суннати тўғрисида шуни айтишимиз мумкинки, бу суннат машҳур суннат эмас, таъкидланган суннат эмас, балки бу Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг битта ҳадисларида келган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзлари мана шу тўрт ракат суннатни-асрнинг суннатини доимий равишда ўқиб юрганларини биров кўрган ҳам эмас, ривоят ҳам қилган эмас. Шунинг учун уламоларимиз бу суннатни «маҳбуб нарса-мандуб нарса» деб атайдилар, намозни баён қилиш вақтидаги таъкидланган суннатлар қаторига қўшган эмаслар. Бошқа намозларни ўша китобларда келган, мисол учун бомдоднинг икки ракат суннати пешиннинг фарздан олдинги тўрт ракат, фарздан кейинги

икки ракат суннати, шомнинг фарзидан кейинги икки ракат суннати, шунингдек хуфтонники ҳам, булар-«суннати муаккада» дейилади. Уларни Пайғамбар алайҳиссалом доимо ўқиб юрганлар ва сиз биз умматларига ўқишни тавсия қилганлар. Асрдан аввал ўқиладиган тўрт ракат суннатнинг эса ҳалиги айт-ганимиздек бунчалик таъкиди йўқ. Шунинг учун буни уламолариимз «мандуб намоз-маҳбуб намоз» дейишган. Хоҳлаган қилса бўлади, қилмаганларга ҳеч қандай маломат йўқ, ҳеч қандай нуқсонга йўл қўймаган бўладилар. Валлоҳу аълам.